



The role of prevention inspectors in the organization of law enforcement

Furkat KHIDIROV¹

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021
Received in revised form
28 March 2022
Accepted 20 April 2022
Available online
15 May 2022

Keywords:

prevention inspectors,
district law enforcement
agencies,
cooperation,
crime prevention,
crime prevention,
crime prevention measures.

ABSTRACT

This article discusses the main tasks, the role of prevention inspectors in organizing the activities of mahalla law enforcement points, the main activities of mahalla law enforcement points, the organization of interaction between internal affairs bodies with other state bodies and public organizations in mahalla law enforcement points, problems and shortcomings in this process, as well as opinions and reflections on their decision.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4/S-pp54-56>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишдаги роли

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишдаги асосий вазифалари, роли, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятининг асосий йўналишлари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, бу жараёндаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар:

профилактика
инспекторлари,
маҳалла ҳуқуқ-тартибот
масканлари,
ҳамкорлик,
ҳуқуқбузарлик,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикасининг
чора-тадбирлари.

¹ Lieutenant colonel, lecturer, department of special professional sciences, Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

Роль инспекторов профилактики в организации правоохранительных органов

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

инспекторы по профилактике, районные правоохранительные органы, сотрудничество, правонарушение, профилактика правонарушений, меры по предупреждению правонарушений.

В данной статье рассматриваются основные задачи, роли инспекторов профилактики по организации деятельности махаллинских пунктов правопорядка, основные направления деятельности махаллинских пунктов правопорядка, организация взаимодействия органов внутренних дел с другими государственными органами и общественными организациями в махаллинских пунктах правопорядка, проблемы и недостатки в данном процессе а так же мнения и размышления по их решению.

Жамият тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеа-ҳодисалар, жиноятлар ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳаётнинг ўзи эришилган барча ютуқларни, шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришни объектив заруратга айлантирди.

Шу боисдан ислоҳотларнинг бугунги босқичида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, жиноятчиликка қарши курашишнинг бош йўналишига айланди.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари зиммасига маъсулиятли вазифалар юклатилган. Профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг иш шароитлари ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Узоқ тумандан келиб профилактика инспектори бўлиб ишлаш мумкин эмас, шунинг учун уларни уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз. Бугунги кунда 368 нафар профилактика инспекторининг 120 нафарига уй-жойлар ва автотранспорт воситалари тантанали равишда –топширилди”, – деб амалга оширилган ишларни кўрсатиб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳозирда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари орасида профилактика инспекторлари энг муҳим ўринни эгаллайди. Уларнинг зиммасига маҳаллалар кесимида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.

Профилактика инспекторининг асосий эътибор ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилганлигидир. Шу билан бирга, бу борасидаги

ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда уларнинг давлат ташкилотлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ислохотларнинг бугунги босқичида профилактика инспектори лавозимлари штат бирликлари 2573 тага кўпайтирилиб, уларнинг сони 7302 тадан 9875 тага етказилди. Бу эса республикамизнинг ҳар бир маҳалласига бир нафардан профилактика инспектори фаолиятининг йўлга қўйилишини таъминлаб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини янада оширишга хизмат қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислохотларни янада такомиллаштириш орқали унинг истиқболни ошириш борасидаги қўйидаги чора-тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида янгитдан қабул қилинган қонунлар, Президент Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижроси ва уларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, хусусан, бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг қонунлар, Президент Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросига йўналтирилган ИИВнинг идоравий норматив-ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш;

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қабул қилинаётган норматив ҳужжатларни бугунги давр талабларига мослаштириб бориш, жумладан, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ўз кучини йўқотган тартибқоидаларни бекор қилиш;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларини қонун ҳужжатларига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида босқичма-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш белгилаб берилди.

Назар ташлайдиган бўлсак, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани таянч пунктлари негизида ташкил этилади ва босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида бу тартиб жорий этилади ҳамда ўз ўзидан таянч пунктлари ўрнига маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади.

Албатта, таҳлил қиладиган бўлсак, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани бугунги кун талабига жавоб берадиган, барча замонавий техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланган масканга айлантирилиши, таянч пунктдан фарқли ўлароқ барча йўналишдаги ишлар ортиқча қоғозбозликлардан воз кечган ҳолда ҳамма фаолият рақамлаштирилган ва электронлаштирилган ҳолда ҳал этилиши механизми жорий этилган ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни тезкорлик ва тежамкорлик асосида ташкил этишга имкон берадиган алоҳида тузилма деб ҳисобласа ҳам бўлади.

Жумладан, Фармон асосида алоҳида эътиборга лойиқ жиҳати маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва ташкил этувчи тузилмага айлантирилиши режалаштирилган.

Жумладан, Фармонда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларига ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг энг қуйи бўғини сифатида қуйидаги муҳим вазифалари белгилаб берилди:

– ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этиш;

– фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларининг ўз вақтида тезликда ҳал этилишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш;

– жисмоний ва юридик шахслардан электрон мурожаатлар қабул қилиш ва уларни зудликда кўриб чиқиб, ҳал этиш;

– маҳаллалар кесимида содир этилган жиноятларнинг илмий таҳлили асосида келгусидаги манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасида энг замонавий усул ва шаклларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш ва бошқалар.

Таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мавофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилади.

Бу эса профилактика инспекторлари зиммасига янада маъсулиятли вазифаларни юклайди ва уларнинг самарали ташкил этилишини талаб этади. Аммо профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини самарали ташкил этиш жараёнларига тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишни талаб этади:

биринчидан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбариятларини белгилаб берувчи ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг қабул қилинмаганлиги;

иккинчидан, профилактика инспекторларининг аксариятида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг таянч пунктлардан қандай хусусиятлари билан фарқланиш ҳақидаги тушунчага эга эмаслиги, таъкидлаш лозимки, бу борада ўтказилган сўровномада респондентларнинг 87,4 фоизи фарқини билмаслиги, 3,2 фоизи фарқи номидалиги, 9,4 фоизи эса қандай жавоб беришни умуман билмасликларини билдирган;

учинчидан, республиканинг барча ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика инспекторларининг режалар ва ҳисобот намуналарининг мавжуд эмаслиги, хусусан, айнан қайси

йўналишларда режалар тайёрланиши ва улар асосида ҳисоботлар тайёрланиши тақдим этилиши механизми мавжуд эмас;

тўртинчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига жамоат тартибини сақлашга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари ва ташкилотлар, Миллий гвардия органлари ходимларига ҳудуд бўйича вазифалар белгилаб бериш борасида профилактика инспекторининг аниқ ваколатлари белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишдаги ролини ошириш, бу борадаги ваколатларини белгилаб бериш борасида қуйидаги чоратадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг қабул қилиш;

2) маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг таянч пунктларидан фақрини кўрстувчи методик тавсиялар ишлаб чиқиш профилактика инспекторларига тақдим этиш ёки бу борада фаолиятдан ажратмаган ҳолда мутахассислар (ИИВ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари) томонидан 3 кундан ошмаган ўқув курсларини ташкил этиш;

3) республиканинг барча ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика инспекторларининг режалар ва ҳисобот намуналарини ишлаб чиқиш ва уларни тақдим этиш тартибини белгилаб бериш;

4) маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига жамоат тартибини сақлашга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари ва ташкилотлар, Миллий гвардия органлари ходимларига ҳудуд бўйича вазифалар белгилаб бериш борасида профилактика инспекторининг ваколатларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, амалдаги қонучиликка асосан ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларига энг маъсулиятли вазифалар юклатилган бўлса, ушбу вазифаларни ижросини таъминлашнинг асосий субъекти сифатида тизимда профилактика инспектори намоён бўлади. Демак, профилактика инспекторлари ички ишлар органлари номидан иш кўрувчи мансабдор шахс сифатида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш, биринчи навбатда, юксак билим ва малакаларга эга бўлган, ўз касбига профессионал равишда ёндошадиган ходим бўлишлари лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.10.2017). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.: 2019 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. - 2014. - № 20. - 221-м.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. - 2016. - № 38. - 438-м.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тугрисида»ги (14.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. - 2016. - № 37. - 426-м.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тугрисида»ги (11.09.2017 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 2014. - № 1. - 7-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарори;

8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон (12.07.2017 й.) буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 166-сон (16.05.2021 й) буйруғи